

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРЛАНДИ

Яқинда Ибн Сино номли вилоят кутубхонасида 31 август — Катағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишлаб "Шәхид кетган юртдошларим" деб номланган адабий-бадий тадбир ташкил этилди. Ёднома кечасига эл-юртда ҳурмат-эътибор қозонган меҳнат фахрийлари, маҳаллалар фаоллари, ота-оналар ҳамда фаол китобхонлар тақлиф қилиндилар.

Тадбирни оилавий уқув зали мудирини Инобат Ҳамроева олиб борди.

— Мақсадимиз, шу Ватан равнақи, истиқлол йўлида курашиб шуро ҳукуматининг

репрессиясига учраган, ҳеч қандай асоссиз, яширинча қатл қилинган юртдошларимизни хотирлаш, ёш авлод қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, — деди у.

Шундан сўнг сўзга чиққан филология фанлари номзоди Дил-

рабо Қувватова, библиограф Лайло Ҳамидова ва бошқалар утганларни хотирлаш ва уларнинг

руҳини шод этиш инсонга хос фазилат бўлиб, бундай савобли ва хайрли ишлар-

га қўл урмоқ юксак олижаноблик эканини таъкидладилар.

Тупланганлар мавзуга оид шеърлардан намуналар тингладилар. "Қатағон қурбонлари" номли адабиётлар кўргазмаси билан танишдилар.

Учқун **ТОЖИЕВ**,

"Бухоронома" мухбири.

